



O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2013-yil, 12-dekabr. Payshanba • 151 (31.741)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

12 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилади.

11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақидаги ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг расмлари кўмиталарда ўтказилган мажлислар ва ўн учинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот берди, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашди.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқиши назарда тутилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши долзарб ва аҳамиятли эканлигини таъкидлади.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий

ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида қайд этди. Бундай қонунлар жумласига «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»-ги, «Экологик назорат тўғрисида»-ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқалар киради.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

«Биз таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз».

Муносабат



СОҒЛОМ БОЛА

ота-онанинг энг улуғ, энг эзгу орзуси

(Давоми 3-бетда.)

ЎзХДП: электорат манфаати

Аҳоли бандлигини таъминлашда

ахборот технологияларининг ўрни

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш ва бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган қўшма матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги А.Хайтов ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади. Мамлакатимизда давлат органлари, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларига ахборот жамияти шароитида фаолият юритиш имконини берадиган меъёрий-ҳуқуқий база яратилиб, такомиллаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Орзу-мақсадларимиз рўёбини фарзандларимиз сиҳат-саломатлигида, баркамоллигида кўрамиз, улар учун бормизни бахшида этишга тайёр турамыз. Шу сабабли ҳам Президентимизнинг фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт, деган даъвати умумий эзгу ҳаракатга айланган.

Мамлакат

келажаги учун

ҳар биримиз масъулмиз

Халқимизнинг табиати шундайки, биз ўзимиз учун эмас, фарзандларимизни деб яшаймиз. Уларнинг келажаги, бахту саодати йўлида ҳеч нимани аямаймиз.

Президентимиз Ислам Каримов Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кириб келётган 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб номлашни тақдир қилганида бутун халқимизнинг қалбидаги эзгу орзуларини ифода этди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар жихатдан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш гоёси Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига ҳамохангидир. Партия-миз Сайловолди дастурида

аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шу нуктаи назардан қараганда, ижтимоий соҳадаги ислохотларни изчил ва тизимли амалга оширишда фаол қатнашиш, бу борада янги ташаббуслар, гоёлар билан чиқишимиз талаб этилади.

2

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Интерфаол усуллар

самарадорликка хизмат қилади

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Жиззах вилоят бўлими «Етакчиларнинг сиёсий ва касбий салоҳиятини ошириш» мавзусида ўқув-семинар ўтказди.

Ёшларни ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш, орзу-мақсадлари сари дадил интилишларига қўмаклашиш мақсадида «Истиқбол» ёшлар қаноти қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу борада олиб борилаётган амалий ишлар самарадорлиги янада ошиши эса кўп жихатдан қанот етакчиларнинг сиёсий ва касбий салоҳияти юксалишига боғлиқ. Ўқув-семинарда қанот етакчилари ва

аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, ташаббускорлигини кучайтириш бўйича интерфаол усулларда машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, етакчиларнинг сиёсий ва касбий салоҳиятини ошириш юзасидан таклифлар билдирилди. Турли мавзу-

ларда давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этиш, ҳар бир ҳудудда ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Азамат ҲАСАНОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси.

Эртанги кунга

ИШОНЧ,

Ватаннинг
куч-қудрати

ҳар жихатдан
соғлом фарзанд-
лар тимсолида
намоён бўлади

2

ДУНЁ

полвонлари

кураш бўйича
IX жаҳон чемпионатида
ғолиблик
учун майдонга
тушади



4

Ёнғиндан

ЭҲТИЁТ

бўлинг

Республика
халқ хўжалиги
масканлари ва
айниқса, аҳоли
турар жойларида
ёнғин хавфсиз-
лигини таъминлаш
энг муҳим
вазифалардан
биридир.

4

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

ИЖТИМОЙ
ИСЛОХОТЛАР
ИЗЧИЛ
ДАВОМ ЭТАДИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой-коммунал
хўжалиги хизматлари кўрсатиш, ижтимоий таъминот
соҳасини давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланишига эришиш учун курашади.



O'ZBEKISTON O'VOZI

— халқ-халқ фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари бу борада назорат-таҳлил ишларини олиб бориб, муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларини сессиялар муҳокамасига олиб чиқаяпти.

Мазкур йўналишда Қашқадарё вилоятидан тайёрланган мақола билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

Васийлик ва ҳомийлик муносабатлари такомиллаштириш

болалар ҳуқуқлари таъминланиши, ижтимоий ҳимоя тамойили янада мустаҳкамланишига хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, кўриб чиқиш учун Сенатга юборилган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун, хусусан, тақдир тақозоси билан етим қолган, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурининг асоси бўлиши ижтимоий ҳимоя тамойилини мустаҳкамлаш ва амалга оширишга беvosита хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия Юнусова билан суҳбатимиз мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти, жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамияти ҳақида бўлди.

— **Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатлар қандай қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда? Бу борада алоҳида қонун қабул қилиш учун қандай зарурат сезилди?**

— Бугунги кунда васийлик ва ҳомийлик соҳасида ҳуқуқий муносабатлар асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Аммо ушбу ҳужжатларда васийлик ва ҳомийликка муҳтож барча тоифадаги шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш механизми етарли даражада акс этмаган. Шунинг учун қонунчилик ҳимояси борада янги ҳуқуқий механизм яратишга зарурат туғилди.

Маълумки, инсон тақдирининг келажаги билан боғлиқ масалаларнинг нозик томонлари кўп. Айниқса, бу болаларнинг келажагига алоқа-

дор масала бўлса. Шу боис васийлик ва ҳомийлик муносабатларини тартибга солишда қонунчиликнинг доимий такомиллаштириш, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда, янги меъёрлар билан бойитиб бориш муҳимдир.

— **Шу ўринда васийлик ва ҳомийлик тушунчалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Васийлик 14 ёшга тулмаган вояга етмаганлар, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга таъминот, таълим-тарбия бериш, шунингдек, шахсий ҳамада мулк ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Ҳомийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар, суд томонидан муомалага лаёқатли чекланган деб топилган вояга етган шахсларга, шунингдек, вояга етиб, муомалага лаёқатли бўлса, соғлиги туфайли ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошира олмайдиган шахсларга (уларнинг илтимосига кўра) таъминот, таълим-тарбия бериш ҳамда шахсий, мулк ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқий шаклини ифода қилади.

Қонунда васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги давлат сиёсати белгиланган. Унга кўра, васийлик ва ҳомийлик қонунийлик, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат каби тамойиллар асосида тайинланади ҳамда амалга оширилади. Қонуннинг энг муҳим ҳусусияти шундаки, унда васий-

лик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатли органлар ҳамда уларнинг вазифалари аниқ белгиланган бўлиши керак.

Хусусан, халқ таълими муассасалари фаолиятини меъёрий таъминлаш ва ташкил этиш бўлими 18 ёшга тулмаган, соғлиқни сақлаш бўлими суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқатли чекланган деб топилган, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими соғлиги туфайли ҳомийликка муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги вазифаларни бажаради.

Шунингдек, қонунда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларга ғамхўрлик қилаётган ёки васийлик ва ҳомийлик остида бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, бу борада давлат органлари, нодавлат нотижорат, халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлиги ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— **Маълумки, васийлик ва ҳомийлик институтини такомиллаштиришда асосий мақсад етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар шахс сифатида ривожланиши учун шароит яратиш, уларга меҳр ҳамда ғамхўрлик кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади. Қонунда васийлик ва ҳомийликдаги болаларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича**

қандай меъёрлар белгиланган?

— Дарҳақиқат, қонунда боланинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, болалар тарбияси, уларнинг таъминоти, саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган.

Унга кўра, васийлар ва ҳомийлар васийлик ёки ҳомийликдаги болалар мактабга, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хўнарсоз таълими олиши учун шарт-шароит яратиши, парвартиш қилиши, диспансер кузатувини, даволаш-профилактика муассасаларида даволанишини таъминлаши, васийлик ва ҳомийлик органларида уларнинг саломатлиги ҳақида ҳисобот бериши, қариндошлари ва яқинлари билан кўришиб туришига имконият яратиши шартлиги кўрсатилган.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахслар васийлар ва ҳомийларнинг мол-мулкига нисбатан, васийлар ва ҳомийлар эса ўз васийлиги ва ҳомийлигига бўлган шахсларнинг мол-мулкига, шу жумладан, таъминот учун тўланадиган бошқа ижтимоий тўловларга нисбатан эгаллик ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

— **«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида» қонун қабул қилинишининг ЎзХДП дастурий мақсадлари амалга оширишдаги аҳамияти, қонунни жамоатчилик ва электрот муҳофазасидан ўтказиш натижалари ҳақида тўхталангиз.**

— Васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар, жумладан, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, муомалага лаёқатли чекланган, соғлиги туфайли ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизми янада такомиллаштирилиши, ушбу соҳада ваколатли ор-

ганлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари чегараларининг белгиланиши, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкни сақлаш ва бошқариш масалалари тартибга солиниши Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун принципиал аҳамият касб этади.

Шу боис фракциямиз мазкур қонун ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлишига жиддий эътибор қаратди. Хусусан, васийлик ва ҳомийлик тизимини янада такомиллаштириш, ушбу соҳада фаолият олиб боровчи идора-муассасалар фаолиятининг очиклиги ҳамда шаффофлиги таъминланишига ҳаракат қилди.

Фракциянинг бу борадаги позициясини ишлаб чиқишда фракциямиз аъзоларининг Сирдарё, Тошкент, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, партия фаоллари, электрот вакиллари билан ўтказган жамоатчилик муҳофазалари муҳим ўрин тутди. Шу орқали қонунни янада такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлар шакллантирилди. Фракциямизнинг кенгайтирилган йиғилишида улар умумлаштирилиб, қонунда акс эттириш учун тегишли кўмитага берилди. Энг муҳими, мазкур таклифларнинг аксарияти қонунда ўз ифодасини топди.

Ҳар бир соғлом бола мамлакат таянчидир. Шу боис тақдир тақозоси билан етим қолган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳақиқий меҳр ва ғамхўрлик кўрсатадиган қўлларга топшириш, шу орқали уларнинг келажаги кафолатини таъминлаш давлат ва жамият зиммасидаги долзарб вазифа ҳисобланади. «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун ана шу вазифани халқаро меъёрлар ҳамда миллий қадриятларимизга мос тарзда амалга оширишга имкон беради.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурли ОРИПОВ суҳбатлашди.

Муносабат

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакат келажаги учун ҳар биримиз масъулмиз

Халқимизнинг табиати шундайки, биз ўзимиз учун эмас, фарзандларимизни деб яшаймиз. Уларнинг келажаги, бахту саодати йўлида ҳеч нимани аямаймиз.

Муносабат

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан боғланиш учун ахборотни тезда топиш мақсадида вазирлик веб-сайтининг махсус бўлимида ижтимоий хизматларнинг интерфаол харитаси ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ахборот технологияларининг ўрни

ЎзХДП: электрот манфаати

ЎзХДП: электрот манфаати

ЎзХДП: электрот манфаати

ЎзХДП: электрот манфаати

ЎзХДП: электрот манфаати

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида қўлланилаётган «Меҳнат бозори» ягона ахборот тизими, labor.uz бўш иш ўринларини топиш ва кадрларни жойлаштириш, он-лайн излаш тизими ҳамда вазирлиқнинг mehnat.uz веб-сайтида фойдаланувчиларга тақдим этилган Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар интерфаол харитаси каби янги дастурий маҳсулотларнинг жорий этилгани бунга мисол бўлади. Бу тизимлар БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда амалга оширилган «Бандлигини таъминлашда ижтимоий шериклик» кўшма лойиҳаси доира-сида ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

«Меҳнат бозори» ягона ахборот тизимининг асосий мақсади — Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини автоматлаштиришдан иборат. Мазкур дастурий маҳсулот вазирликка 192 туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолиятини мониторинг қилиш, реал вақт режимида ҳисобот ва статистик маълумотларни олиш имконини беради. Бундан ташқари, тизимда бўш иш ўринлари ва резюмелар базаси сақланади ва доимий равишда янгиланган бўлади — ҳар бир иш беришчи бандликка кўмаклашиш ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилиб, қисқа вақт ичида бўш иш ўринларини жойлаштириш, керакли мутахассисларни танлаб олиш ва улар билан боғланиш, талабгорлар эса ўз резюмеси-ни жойлаштириш ва ўзига мос келадиган иш топиши мумкин.

Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ахборот-компьютер маркази директори ўринбосари Умар Маткаримовнинг айтишича, мазкур ягона ахборот тизими билан ишлашга ўргатиш мақсадида соҳа ходимлари томонидан жойларда тренинглар ташкил этилиб, 500 нафардан зиёд киши ўқитилди.

Бугунги кунда миллионлаб юрдошларимиз шахсий компьютер, ноутбук, нетбук, планшет, мобил телефон орқали интернетдан фойдаланмоқда ва шу сабабли иш ёки ишчиларни излашда айнани иxtисослаштирилган веб-сайтлардан фойдаланиши афзал кўрмоқда. Глобал тармоқнинг миллий

ўйлаб кўришимиз лозим.

Демак, олимизда қатор ўта масъулиятли вазифалар турибди. Соғлом болани вояга етказиш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти олиб бораётган ишлар юзасидан назоратни кучайтириш, буларнинг барчаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда янги қадам бўлади, деб ҳисоблайман.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

сегментда жойлашган бундай веб-сайтлар рўйхати яқинда яна бир — labor.uz бўш иш ўринларини топиш, кадрларни жойлаштириш ва излашнинг қўлай онлайн-тизими ҳисоби-га кенгайди.

Мазкур тизимнинг устуни-лиги шундаки, у вазирлиқнинг резюме ва ваканциялари базасига улланган бўлиб, ушбу базада айна пайтда 76 мингдан зиёд бўш иш ўрни тўғрисида маълумот ва 46 мингдан ортиқ мутахассисларнинг резюмелари жамланган. Бундан ташқари, бу ерда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — олий ўқув юрти-ни эндигина битирган ёш мутахассислар, муддатли хар-бий хизматни ўтаб қайтган йи-гитлар, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ва бош-қалар учун захира иш ўрин-лари бўлими мавжуд.

Ижтимоий хизматлар кўрса-тувчи ташкилотлар билан бо-ғланиш учун ахборотни тезда топиш мақсадида вазирлик веб-сайтининг махсус бўли-мида ижтимоий хизматлар-нинг интерфаол харитаси таш-кил этилди. Унинг базасида нафақат вазирлик тизимида-ги ижтимоий хизматлар кўрса-тувчи муассасалар, балки 400 дан ортиқ нодавлат нотижо-ри ташкилот тўғрисида ҳам ахборот тўпланган. Сайтдан фойдаланувчилар уларнинг фаолиятига муносабат билди-риши ёки изох бериши мум-кин.

— Биз ҳамкорлик самарала-ридан, жумладан, вазирлик ходимлари, иш бериувчилар ва талабгорларга қўлайлик яра-тувчи уйғунлаштирилган дастурий маҳсулотлардан мам-нунмиз, — дейди БМТ Тарақ-қиёт дастурининг Ўзбекистон-даги доимий вакили Стефан Приснер. — Уларнинг кенг жо-рий қилиниши ижтимоий ҳимоя ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги иш-ларнинг самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш, янги иқтисодий натижага эри-шишга кўмаклашади. Маса-лан, «Меҳнат бозори» ягона ахборот тизими маълумотла-рига кўра, Навоий вилоятида бугунги кунда ташкилот, ком-пания ва фирмаларнинг 3,5 мингдан зиёд бўш иш ўрни мавжуд. Бу тез орада вазир-лик кўмаги билан яна 3,5 минг нафар мутахассис ишли бўла-ди ва Ўзбекистон тараққиети-га ҳисса қўшади, демекдир.

Матбуот анжуманида журна-листларни қизиқтирган савол-ларга батафсил жавоб қайта-рилди.

Сардор ТОЖИБ,
ЎзА мухбири.

Узун туманининг «Ўзбе-кистон» маҳалласидаги «Кавсар мадад» хусусий корхонаси томонидан Хитойдан замонавий цех олиб келиниб, шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Маҳсулотлар сифати ва арзонлиги билан тезда ўз харидор-ларини топди.

Қурилиш маҳсулотлари кўпаяди

Ижтимоий муҳофаза

Ижтимоий муҳофаза

— Қишлоққа sanoatни олиб кириш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш — давр талаби, — дейди туман ҳокими ўринбосари Жўрабек Ашуралиев. — Корхонага яқинда Хитой давлатидан кум ва шағал ишлаб чиқаришга мўлжаллан-ган технология олиб келиниб, ўрнатилди. Янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши ҳисоби-га яна 15 нафар кишининг бандлиги таъминланади. Уларнинг асосий қисмини эса маҳалла ёшлари ҳамда коллеж бити-рувчилари ташкил этади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

●●● Ҳар бир халқ, ҳар бир ота-она ўз келажагини униб-ўсиб келаётган фарзандлари тимсолида кўради. Соғлом ва баркамол авлодгина эртанги ку-нимизнинг янада фаровон ва бахтли бўлишини таъминлайди, баланд-баланд марраларни забт эта олади. Шу боис ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбия-лаш барчамизга дахлдор масаладир.

Эртанги кунга ишонч, Ватаннинг куч-қудрати

ҳар жиҳатдан соғлом фарзандлар тимсолида намоён бўлади

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ва фаоллари ҳам Президентимизнинг Конституция байрамида қилган маърузасида илгари сурилган вазифалар ижросида, хусусан, соғлом бола, соғлом авлодни тарбиялаш ишларида қанот иштирокини кучайтириш юзасидан фикр алмашишмоқда.

Шоҳрух АБДУРАХМОНОВ,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси:

— Дунё таърибасидан маълум-ки, фарзандлари келажаги ҳақида қайғурган, уларнинг соғлом вояга етиши учун барча шароитларни яратган мамлакат тараққий эта-ди, эртаси ёруғ бўлади. Юртимиз-да бу масалага нақадар жиддий эътибор қаратилаётгани, соғлом ва баркамол авлодни ўлгайтириш бўйича кенг қўлланма ишлар амал-га оширилаётгани замирида ана шу эзгу мақсадлар ётибди.

Конституциямиз қабул қилин-ганининг 21 йиллигига бағишлан-ган тантанали маросимда Прези-дентимиз «Биз таянчимиз ва су-янчимиз, гуруримиз ва ифтихори-миз бўлиш болаларимизга, фар-зандларимизга ишонч билан, ҳур-мат-эътибор билан қарашни ке-лажакимизга бўлган ишонч, мил-латимизга, халқимизга бўлган ҳур-

мат-эътиром ифодаси деб била-миз», дея алоҳида таъкидлади. Шундай эзгу ғоялар, эзгу мақсад-ларни амалга оширишда биз ҳам фаол иштирок этишимиз керак. Барча тadbирларимизда йил го-сяси ўз ифодасини топиши лозим. Бундан ташқари, ёшлар қаноти-нинг махсус акциялари, лойиҳа-ларини ишлаб чиқиш, амалга оши-риш зарур, деб ўйлайман.

Муҳаммадҷосиф МАХКАМОВ,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Учтепа туман бўлими етакчиси:

— Давлатимиз раҳбари соғлом ва ахил оилани шакллантириш ғоясини илгари сурди. Демак, оила қуриш оstonасида турган йигит-қизлар ўртасида соғлом оилани шакллантиришга қаратил-ган тизимли лойиҳалар ишлаб чи-қишимиз муҳим аҳамиятга эга. Бу борада партиямизга хайрихоҳ ташкилотлар билан ҳамкорлиқни

кучайтирсак, ишимиз янада сама-рали бўлади.

Жавоҳирбек УМИРЖОНОВ,
Тошкент давлат шарқшу-нослик институти II bosқич талабаси:

— Юртимизда ёш авлодга кўр-сатилётган ғамхўрлик уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини тў-лик намоён қилишга замин ярат-моқда. Биргина таълим соҳасини олайлик. Бугун ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда замонавий таълим муассасалари мавжуд. Ҳар бир ўғил-қиз ўзи истоган соҳа бўйича чўқур билим олиш, касб-хўнарсоз эгаллаш, ўзи хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиш имконига эга. Фақат яратилган бу шароитлар-дан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда. Биз эса бу борада кенг миқёсда тарғибот ишлари олиб боришимиз зарур.

Давра суҳбатда ёшлар қанот фаолиятини, хусусан, тарғибот-ту-шунтириш ишларини кучайтириш бўйича турли таклифлар билди-ришди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

СОҒЛОМ БОЛА

ота-онанинг
ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ ЭЗГУ
ОРЗУСИ

Фарҳод АЛИЕВ ва (Уш) олган суратлар.

Муносабат

Президентимиз таклифи билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши болажон халқимиз кўнглини тоғдай кўтарди. Ҳозир ҳар бир даврада одамлар шу ҳақда гапираяпти, орзу-ниятлар қилинаяпти, фикр-мулоҳазалар билдирилаяпти.

Фарҳод ДАУТОВ,
Тошкент врачлар мала-
касини ошириш институти
жарроҳлик ва болалар
жарроҳлиги кафедраси
профессори:



— 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқишига ишонаман. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида соғлом болани тарбиялашда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни, таъсири ва масъулияти катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Биз шифокорлар бундан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олишимиз зарур.

Усиб келатган боланинг соғлом вояга етишида оила-

вий муҳит муҳим ўрин тутди. Ота-она бўлганимиз учун ақл, жисмонан, маънан етук бола тарбиялашни жуда-жуда истаймиз. Баъзида фарзандимизнинг фақат ўқишига асосий эътиборни қаратамиз. Кун тартибидан дарс қилиш ва китоб ўқишдан иборат бўлиб қолади. Бундай ҳолатда ўсган бола жисмоний жиҳатдан бакувват бўлмайди. Ҳар бир хонадонда оила аъзолари эрталабки жисмоний тарбияни йўлга қўйиши муҳим аҳамиятга эга. Ўғлим спорт билан шуғулланади. Бир кун қарасам, хонасида ётибди. Сабабини сўраганим, «Машгулот оғир ўтди, жуда чарчадим», — деб жавоб берди. Унга «Агар қийин бўлса, шуғулланмай қўяқол», — дегандим. «Дада, сиз менга дом хеч қачон ортга чекина, деб ўргатгансиз. Машгулотларни давом эттираман», — деди. Унинг жавобидан хурсанд бўлдим. Фарзандимнинг соғлом вояга етаётгани меннинг бахтим.

Соғлом бола деганда, фақат жисмонан эмас, балки руҳан, маънан соғлом болани тушунишимиз керак. Бундай фарзандни тарбиялаш учун, ҳеч қандай жиҳатни назардан четда қолдирмаслик зарур. Уларнинг яхши ўқиши, сийхат-саломатлиги, спорт билан шу-

ғулланиши ва турли зарарли одатлар, ёт гоилардан химояланиши, буларнинг ҳаммаси бирдек муҳим.

Ольга КУБЛЯКОВА,
Юнусовод туманидаги
86-умумий ўрта таълим
мактаби бошланғич синф
ўқитувчиси:



— Президентимиз маърузасида боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр бошланғич синф даври эканлиги алоҳида қайд этилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарини собиқ тузум даврида бошланғич синф ўқувчиларига асосан ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар дарс ўтгани, мустақиллик йилларида бундай ҳолатга бутунлай барҳам берилгани ва бугунги кунда олиёй маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга педагог кадрлар бу вазифани бажараётганини таъкидлади. Шу гапларни тинглар эканман, ўқитувчилик касбини танлаганимдан яна бир бор фойдаландим.

Ҳамма ҳам боласи соғлом бўлишини истайди. Лекин бунинг учун нималарга кўпроқ

эътибор қаратиш лозим? Олимларнинг аниқлашича, бола уч ойлик пайтидаёқ гапларни эшита бошлайди. Демак, улар тарбияси билан барвақтроқ шуғулланиш зарур.

Боланинг билими, жамиятдаги ўрни, истеъдоди қараб, унинг ота-онасига баҳо берилади. Фарзандимиз фан олимпиадасида ғолиб бўлса ёки спорт мусобақасида шох-сулага кўтарилса, вояга етказган ота-онасига, таълим-тарбия берган устозларига раҳмат, дейишди. Агар бола ноқобил чиқиб қолса, бунинг акси бўлади.

Синфимизда ўқитган ҳар бир боланинг ўз интилиши, ютуқлари бор. Дамир Лавтев яқинда қаратг буйича қора белбоғ соҳиб бўлди. Иштиёр Гарипов, Хушид Хикматов, Ильоша Винокуров ва Алишер Шариповлар таъкидот билан шуғулланиб, юқори натижаларга эришяпти. Карина Салоҳиддинова эса сузиш билан мунтазам шуғулланади. Яқинда болалар орасида 2-разряд олди. У энди 8 ёшда. Кирилл Калиновски эса спорт рақси бўйича Ўзбекистон биринчилигида ғолиб бўлди.

Ҳар кун синф хонасига кира эканман, хурсанд бўламан. Ўқувчиларимнинг саломатлиги билан боғлиқ муаммо йўқ. Уларнинг яхши таълим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мактабимиз реконструкция қилиниб, жиҳозлар янгиланган. Фан ва спорт тўғрисида ишлаб турибди. Энг муҳими, ота-оналар боласининг ўқишига бефарқ эмас. Бизда оила-мактаб-маҳалла концепцияси йўлга қўйилган. Янги йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилгани учун Президентимизга раҳмат.

Дилшод НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
спорт устози:



— 2013 йил ноябрь ойида футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида иштирок этди. Ўшанда мустақиллик йилларида туғилган, соғлом, баркамол вояга етаётган бу болаларга қараб кўнглимдан шундай ўйлар ўтди: улар, энг аввало, Ватанини севишади. Ғурури бор. Ҳеч кимдан кам эмас. Нафақат Ўзбекистон халқига, балки бутун дунё футбол ишқибозларига ҳам қувонч, шодлик улаштирди.

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши муборак сифатида мени ҳам хурсанд қилди. Мен асосан болалар билан ишлайман. Шу сабабли ҳам ота, ҳам муборак сифатида қувондим.

Боланинг соғлом вояга етиши учун спорт жуда муҳим ўрин тутди. Жаҳон таърибига таянадиган бўлсак, болаларни 6-7 ёшдан бошлаб спортга йўналтириш зарур. Болалар билан ишлашда уларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда индивидуал ёндашув талаб этилади. Муборак сифатида уларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши шарт. Яъни турли зарарли одатлардан узоқда бўлиши, соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилиши керак. Шунда болалар у айтган топшириқларни бажону дил бажаради. Муборак сифатида ўқшашга интилади.


Биз нафақат жисмонан, балки руҳан соғлом болаларни тарбиялашимиз зарур. Хорижага малака оширишга борганда қизик таърибанинг гувоҳи бўлганмиз. Муборак сифатида футболчиларга бадий китоб ўқишни тавсия қилишар экан. Мутлоқадан сўнг биргаликда ўша китобни муҳокама қилиб, савол-жавоб бўларкан. «Сен, асар қаҳрамонининг ўрнида бўлганимизда нима қилган бўлардинг?» каби саволлар беришаркан. Бу таъриб ёш футболчида фикрлаш қobiliятини шакллантиради. Биз ҳам шу усулни амалга татбиқ қилдик.

Президентимиз соғлом болани тарбиялашда спортнинг ўрни катта эканлигига алоҳида тўхталди. Дарҳақиқат, спорт билан шуғулланган бола, аввало, соғлом бўлади. Соғлом бола — ота-онанинг энг улуг орзуси, Ватанининг ишонган таъинчидир.

«Ўзбекистон овози»
мухбири **Темур АБЗАМ**
тайёрлади.



Дунё бўйлаб



**темир моддаси
ва витамин
етишмаслигини
англатади**

Кўпинча бирор-бир вази-
ят олдида саросимага ту-

шиб қолиш ҳолатини руҳий муаммага йўйиш одат тусида қилиб қолган. Аммо бундай қарашни япон олимлари рад қилмоқда.

«Аргументи ва факти» ҳафталиги хабар қилишича, япон олимлари тез-тез саросимага тушиб қолувчи 26 минг миждо ҳолатини, организмдаги ўзгаришларни таҳлил қилиб, янги ҳулоасага келдилар.

Маълум бўлишича, организмда асосан темир моддаси ва В⁶ витамини етишмаслиги саросимага тушиб қолганига сабаб бўларкан. Айнан саросимага тушганларнинг 86 фоизига бу нарса тасдиқланган.

Денгиз ости қатламлари



**ичимлик суви
захирасига
бой**

АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва Голландия университетлари олимлари сайёрамизнинг турли ҳудудларида олиб борилган бургулаш ишлари натижаларини таққослаб, таҳлил қилиб, шундай хулосага келдиларки, денгиз ости қатламлари ичимлик суви захирасига жуда мўл экан. Тадиқот натижалари «Nature» журналида эълон қилинди.

Алоҳида таъкид шуки, денгиз ости қатламларидаги ичимлик суви захирасининг ҳозирча аниқланган умумий ҳисоби ярим миллион куб километрга тенг. Австралиялик

гидрогеолог олим Винсент Постнинг айтишича, бу 1900 йилдан бери одамзод ер остидан қавлаб олган сув миқдоридан бир неча юз барабарга кўпроқ.

Олимлар ичимлик суви денгиз ости қатламлари тубида қандай пайдо бўлганини шундай изоҳлашмоқда: тахминан 20 минг йиллар аввал Ер юзиде содир бўлган бир неча муз даври айнан шу қатлам юзига келишига сабаб бўлган. Яъни бир неча минг йиллар муқаддам денгиз «сатҳи» паст бўлган ва шу боис ёмғир сувлари денгиз қатламлари остига осон йиғилган. Муз даври тугагач, денгиз сатҳи бир неча юз метрларга кўтарилган. Аммо ичимлик суви эса денгиз тубидаги тўпроқ қатламлари остида қолаверган.

БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда Ер юзи аҳолисининг 40 фоизи ичимлик суви танқис бўлган ҳудудларда яшамоқда. Денгиз ости қатламлари тубидаги ичимликка ярайдиган сув захираси бу муаммони ижобий ҳал этиш учун етарли, лекин денгиз остидан уни ер юзасига тортиб чиқариш масаласи, яъни ўта қуқур бургулаш ишларини амалга ошириш катта маблағ талаб қилади.

Ёнғоқлар



**бевақт
ўлимнинг олдини
олади**

Американинг «New England Journal of Medicine» журналида Бостондаги Саратон хасталиклар институтининг Чарльз Фачс етакчилигидаги олимлар гуруҳи олиб борган тадиқот натижалари эълон қилинди.

Унда баён этилишича, кун-кунора ёнғоқ истеъмол қилиш турли касалликлар сабабли ўлим ҳолатининг келиб чиқишини камайтиради. Фақат истеъмолда «порция» миқдори ортиб кетмаслиги керак — бир «порция» тахминан 30 граммга тенг.

Олимлар бундай хулосага келиш учун иккита тадиқот натижаларидан фойдалан-

ди. Биринчиси, 1980 йилдан 2010 йилгача 76 минг аёлнинг саломатлиги, турмуш тарзи, парҳез сақлаши юзасидан ўтказилган кузатув маълумотлари бўлса, иккинчиси, 1986 йилдан

2010 йилгача кузатувда бўлган 42 минг эркак ўртасида олиб борилган тадиқот натижаларидир.

Шундай қилиб тадиқотда маълум бўлдики, ёнғоқ юрак-қон-томир, ичак саратони, ўтда тош йиғилиши сингари хасталикларнинг олдини олади. Қондаги холестерин даражасини туширади, инсулинга чидамликни оширади, шамоллаш ва семиришга йўл қўймайди.

Олимларнинг аниқлашича, ҳафтада бир «порция» дан кам ёнғоқ истеъмол қилиш касалликлардан ўлим ҳолатини 7 фоизга, бир «порция» истеъмол қилиш эса 11 фоизга, 2-4 «порция» си 13 фоизга, 5-6 «порция» ейиш 15 фоизга, 7 «порция» дан кўп истеъмол қилиш эса 20 фоизга камайтиради.

Соғлигимиз ва хавфсизлигимизга, аввало, ўзимиз масъулмиз

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва Ҳукумати томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиедалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни ўтказиш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳолини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бирок, афсуски, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир бўлиб турибди. Улар сонини камайтириш учун эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХ Бош бошқармаси томонидан мунтазам равишда «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиеда!», «Яшил чироқ» каби тадбирлар ўтказиб келинаяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ҳар йили ўтказиладиган «Харакат хавфсизлиги ойлиги» ҳам ана шу тадбирларимизнинг давомидир.

Йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, барча кўнглисизликлар ҳаракатланиш қоидаларига амал қилмаслик оқибатида содир бўлмоқда. Ички ишлар вазирлиги ДИХХ ҳодимлари томонидан жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида жами 3 миллион 104 минг 680 та, жумладан, 1 миллион 279 минг 280 та қўпол қоидабузарлик аниқланган. Шундан 41 минг 796 та маст ҳолда рулда ўтирган, 18 минг 580 та қорайтирилган ойнали транспортдан, 37 минг 406 та телефондан фойдаланган ва 734 минг 860 та хавфсизлик тасмасидан фойдаланмаслик ҳолатлари кузатилган.

Бу рақамлар ортда инсонлар ҳаёти ётганилиги, ногиронлик, ўлим ҳолатлари бўлаётганини ўйласак,

нақадар аянчли ҳодисалар юзга келаятганини англаймиз.

2014 йил «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши муносабати билан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги тадбирларни йил давомида амалга ошириб боришни режалаштирдик. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун, энг аввало, болаларга йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўргатиш зарур. Уларда қоидаларга қатъий риоя қилиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланиб қолганда, йўловчи ёки пиеда бўлишдан қатъи назар, ўзининг ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши керак бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда қоидабузарликларнинг олдини олиш учун жорий йилнинг 15 декабридан 2014 йилнинг 15 январига қадар республика ҳудудида «Харакат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишга қарор қилинди. Мазкур тадбирни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши чиқарилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси

ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар кўриш, транспорт ва пиедалар, жумладан, болалар ҳаракати серкаторов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тақлифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, ўқув юртларида, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишни янада яхшилаш чораларини кўриш, ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш асосий вазифалар этиб белгилаб берилган.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Харакат хавфсизлиги ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тузиш, ойликни самарали ўтказиш тадбирларини иш-лаб чиқиш ва унда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идораларнинг вазифалари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вазирликлар, Давлат қўмиталари, идоралар, концернлар, корпорациялар ва жамғармалар раҳбарларига транспорт воситаларининг техник ҳолати ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ва қўл остидаги ҳодимларнинг йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз амал қилишлари юзасидан аҳолини ўрганиб чиқиш ва тегишли чоралар кўриб бориш, ойликни ташкил этиш, ўтказиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, унда фаол иштирок этганларни рағбатлантириш билан боғлиқ ҳаракатларни бюджетдан

ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш вазифалари оқлатилди.

Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокommанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Миллий ахборот агентлиги, марказий ва маҳаллий газета-журналлар таҳририятлари томонидан ойликнинг боришини кенг ва атрофлича ёритиш яхши самара беради. Мактаблар, мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларининг ўргатилишини текшириб, уларни тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш масаласига ойликда алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, ойликни тарғиб қилувчи плакатлар, буклетлар, календарлар ва бошқа кўргазмалар қўроллар чоп этилишини ташкил этиш, маҳаллаларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этилишини таъминлаш ишлари амалга оширилди.

Йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳодимларининг вазифаси, деб қарамаслик лозим. Чунки, ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, сиз учун белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишингиз шарт ва зарур. Шунда турли ҳодисалар ва кўнглисизликларнинг олдини олган бўламиз. Шундай экан, барча пиедалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айниқса, болаларни йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этишга қирамиз.

Холматжон САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
ЙХХББ бошлиғи, полковник.

«Харакат хавфсизлиги ойлиги» олдидан

Дунё полвонлари

кураш бўйича IX жаҳон
чемпионатида голиблик учун
майдонга тушадилар●●● Шу йилнинг 14-15 декабрь кунлари Истанбул
(Туркия)да кураш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати
бўлиб ўтади. Унда дунёнинг беш қитъасидан уч юз на-
фардан зиёд полвон гиламга чиқади.Мусобақа низомига кўра, аёллар сак-
киз, эркеклар етти вазн тоифасида бел-
лашадилар.— Жаҳон чемпионатида пухта тайёр-
гарлик кўрилди, — дейди Ўзбекистон тер-
ма жамоаси бош мураббийи Баходир
Бердикулов. — Беллашуларда Нодира
Гулова (48 кг), Шоҳида Назарова (57 кг),
Юлдуз Эркаева (63 кг), Дилшода Исрои-
лова (70 кг), Мафтуна Эсонова (78 кг),
Дилфуза Темирова (+78 кг), Бахриддин
Исмоилов (60 кг), Суҳроб Худойбердиев
(66 кг), Фаёз Файзуллаев (73 кг), Сан-
жар Тўхташев (81 кг), Бектош Сафаров(81 кг), Илхом Жўраев (90 кг), Зафар
Бўриев (90 кг), Марс Қўчқоров (100 кг),
Фазлиддин Мейлиев (+100 кг)лар юр-
тимиз шарафини ҳимоя қилади.Маълумот ўрнида шунинг айтиш керак-
ки, жаҳон чемпионати доирасида Халқ-
аро кураш ассоциацияси (IKA) Ижроия
қўмитасининг навбатдаги йиғилиши
бўлиб ўтади. Унда турли минтақаларда
курашни ривожлантириш йўлида олиб
борилаётган ишлар ҳисоботи тингла-
ниб, олдindaги уч йиллик таквим ва
режалар тасдиқланади.

(Ўз мухбиримиз.)

Тадбирда бир неча
масалалар кўриб чиқил-
ди. Жумладан, унда Ўзбе-
кистон футбол федера-
цияси томонидан 2006-
2013 йилларда амалга
оширилган ишлар ҳисо-
боти тингланди.ЎЗБЕКИСТОН
ФУТБОЛ
ФЕДЕРАЦИЯСИДАҳисобот-сайлов
конференцияси
бўлиб ўтдиОхирги саккиз йилда Ўзбе-
кистон терма жамоалари
халқаро майдонларда эъти-
борга молик ютуқларни
қўлга киритди. Жумладан,
миллий терма жамоа 2011
йили Катарада ўтказилган
Осиё Кубоги баҳсларида
ярим финалгача етиб бор-
ди. Ўзбекистон (U-16)
ўсмирлар терма жамоаси
2012 йили Эронда бўлиб
ўтган қитъа чемпионати
баҳсларида илк бор голиб-
ликни қўлга киритди. Турли
ёш тоифасидаги терма жа-
моалар жаҳон чемпионати
финал босқичларида мунта-
зам иштирок эта бошладилар.Сўнгра кун тартибидеги
бош масала — ЎФФ прези-
денти сайлови бўлиб ўтди.
Сайловга ЎФФнинг амалда-
ги президенти Мираброр Ус-
монов номзоди қўйилди ва
делегатлар бир овоздан унга
овоз берди.Шунингдек, тадбирда
Сардор Раҳматуллаев, Фай-
зулла Муллажонов, Аҳмад
Аҳмадбоев ва Аскар Толиб-
жонов ЎФФнинг вице-прези-
дентлари этиб сайланди.
Делегатлар ЎФФ Ижроия
қўмитаси аъзолари этиб
Жасур Акрамов, Сардор Рах-
матуллаев, Аскар Толибжо-
нов, Фарход Мамаметов,
Алишер Султонов, Самвел
Бабаев ва Равшан Эрматов-
лар номзодларини тасдиқла-
дилар.Эркин ХОЛБОВО,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ОБ-ҲАВО 12-13 — 12. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

-3 / -8 0 / -5

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-3 / +2 +7 / +12

Тошкент, Самарқанд, Жиззах

ҳамда Сирдарё вилоятлари

0 / -3 +5 / +10

Қашқадарё ҳамда

Сурхондарё вилоятлари

0 / +5 +10 / +15

Андижон, Наманган ҳамда

Фарғона вилоятлари

-2 / +3 +3 / +8

Тошкент шаҳри

0 / -2 +8 / +10

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +9 / +10

Париж +9 / +10

Москва 0 / -4

Кейптаун +16 / +26

Қоҳира +6 / +11

Гавана +21 / +28

Вашингтон -6 / +4

Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг

●●● Республика
халқ ҳўжалиги
масканлари ва
айниқса, аҳоли
турар жойларида
ёнғин хавфсизлиги-
ни таъминлаш энг
муҳим вазифалар-
дан бирidir.Ёнғиннинг олдини олишда профилактик
тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Бунинг
учун аввало ташкилий ва техник жиҳатдан
қатор ишларни амалга ошириш зарур. Ик-
кинчидан, кенг қўламли тарғибот тадбир-
ларини олиб бориш керак бўлади.Профилактика ишларининг асосий ва-
зифаси мактабгача таълим муассасала-
ри, умумтаълим мактаблари, Меҳрибон-
лик уйлари, соғломлаштириш оромгоҳ-
лари, касалхоналар, қариялар уйлари,
театрлар, кино театрлар, цирклар, меҳ-монхоналар, йирик савдо дўконлари,
спорт иншоотлари каби одамлар гав-
жум бўладиган муассасаларнинг ёнғин
хавфсизлиги ҳолатини доимий назорат
остиға олишдир. Барча масканлар Дав-
лат ёнғин назорати органларининг аниқ
бир ходимига бириктирилади ва у ўзига
бириктирилган ўша масканларда профи-
лактика ишларининг ўз вақтида ва си-
фатли олиб борилишига шахсан жавоб
беради. Қайд этиш керакки, фуқаролар
гавжум бўладиган биноларнинг ёнғин
хавфсизлигини янада кучайтириш маса-
лаларига давлатимиз томонидан доимо
катта эътибор бериб келинмоқда.Ёнғин хавфсизлиги тартиб-қоидалари-
га оғишмай амал қилинса, юз бериши
мумкин бўлган фалокатларнинг олди оли-
нади.Қамолддин НАДИРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ХҲО
23-ХҲҚ
смена бошлиғи, лейтенант.

«Ўзбекистон» поезди:

йўловчига қулай ва беминнат хизмат

Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи,
мамлакатларни мамлакатлар билан, элларни эллар
билан боғловчи энг қулай алоқа воситаси темир йўл
транспорти ҳисобланади. «Ўзбекистон темир йўллари»
Давлат акциядорлик темир йўл компанияси тар-
кибидеги «Ўзтемирйўл» ошқ акциядорлик
жамияти жорий йилнинг ўтган 9 ойда халқаро йўна-
лишларда 1 миллион 300 мингга яқин йўловчини ўз
манзилига етказди.Кейинги йилларда бир қатор
янги халқаро йўналишлар
бўйича поездлар қатнови
йўлга қўйилди. Жумладан,
Уфа, Саратов, Харьков,
Свердловск, Новосибирск,
Санкт-Петербург, Волгоград
шаҳарлари йўналишларида
поездар йўловчиларга хиз-
мат қилаётти.Тошкент — Москва — Тош-
кент бўйлаб қатновчи «Ўзбе-
кистон» поезди қўлайлиги,
замонавий тарзда жиҳозлан-
ганлиги ва ходимларнингхўшмуомалиги билан ажра-
либ туради. Юмшоққина
ўриндиқлар, ҳар бир вагонда
совутгичлар ишлаб турибди.
Қишда эса вагонларга иссиқ-
лик берилади.— Меҳнат интизомига қатъ-
ий риоя қилиш жамоамиз
аъзоларининг асосий шiori,
— дейди поезд бошлиғи Но-
дир Курбанов. — Энг муҳи-
ми — хавфсиз ҳаракатланиш-
ни таъминлаш ва одамлар-
нинг ўз манзилига эсон-омон,
бешикаст этиб боришигаэришиш. Техника хавфсизли-
ги ва меҳнатни муҳофаза
қилиш бўйича вагон қузат-
увчилари ҳамда йўловчилар
ўртасида тушунтириш ишла-
ри олиб борилади.Йўл-йўлакчи ҳамроҳлари-
мизни суҳбатга қорлаймиз.
— Поезддаги яратилган ша-
роитлардан қўнғимиз тўлди.
Вагон жуда озода ва тартиб-
ли, қузатувчилари эса хўш-
муомала. Аиниқса, вагон рес-
торанидаги ўзимизнинг мил-
лий таомлар бизга жуда ёқди,
— дейди йўловчилардан
бири, таниқ киноактёр,
Ўзбекистонда хизмат кўр-
сатган артист Рустам Саг-
дуллаев.— Укам Николос билан са-
ёҳатга чиққандик, — дейди
Буюк британиялик Кристо-
фер Руни. — Қадимий ва на-
қирон юртингизнинг тарихий
шаҳарлари — Самарқанд, Бу-
хоро ва ҳамда Хивадаги оби-
даларни томоша қилдик.
Мамлакатингизнинг ёрқин
ўтмиши билан яқиндан та-
нишдик. Аиниқса, Тошкент
жуда гўзал экан. Замонавий
бинолар қадимий ёдгорлик-
лар билан уйғунлашиб, ўзига
хос кўркемлик касб этган.
Москвага қатнайдиган шу по-
езд ҳам Ўзбекистоннинг
ўзига хослигини кўрсатиб ту-
рибди. «Ўзбекистон» номли
поездда ўзбек халқининг
бағрикенглигини, меҳрибон-
лигини ҳис этдик. Аиниқса,
қузатувчиларнинг қўлини
қўксига қўйиб «Яхши кетап-
сизларми?» дейиши ўзбек
халқининг одобу маданияти,
меҳмондўстлигининг яна бир
намоёни, десам хато қилмай-
ман.Дарҳақиқат, «Ўзтемирйўл»
ловчи» ОАЖнинг фаолияти ва-
гонлардаги шарт-шароит ва
қулайликлардан ташқари
йўловчиларга сифатли хизмат
кўрсатиши. Сафар давомида
йўналиш меҳаниги Муҳаммад
Ғабитов, вагон қузатувчилари
Икром Ҳайитқўзиёв, Вали Али-
ев, Баходир Файзиёв, Тўлқин
Турсунов, Ботир Қодиров,
Абдумўмин Солиҳов, Ниара
Исмоилова, Наргиза Қўбило-
ва каби ўнлаб ходимлар би-
лан ҳамсуҳбат бўлдик. Сафар-
даги кечинмалар, оғир-енгил-
ликлар ҳақида сўрадик. Улар
«Йўловчилар ўз манзилларига
тинч-омон этиб олиши биз
учун энг катта мақсад. «Ўзбе-
кистон» деган улуғ номга доғ
туширмаслик учун куну тун
ҳалол ва фидойи хизмат қили-
шимиз шарт!» дейишди.Орта қайтаёпмиз.
Поезд мамлакатимиз
пойтахти сари олға
интилади. У ҳам биз
каби уйни соғинган-
дай... «Ўзбекистон»
поезди мамлакатим-
изнинг қўшни дав-
латлар билан алоқа-
си, борди-келдиси
муштақамламоқда.
Минглаб йўловчи-
ларнинг қулай ва
беминнат дастўрига,
ҳамроҳига айланган.Мирбаҳтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
Бардамбек САДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбирлари.

2013 йил — Обод турмуш йили

Тадбир

Қонунни қўллаш
амалиёти

масалаларига бағишланди

Семинар қўриқлаш хизмати органлари фао-
лияти ҳуқуқий асосларининг ҳозирги ҳолатини
таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш, қўриқ-
лаш хизмати органлари тизимида ҳуқуқни қўллаш
амалиётида эришилаётган ютуқларни оммалаш-
тириш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартар-
аф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш маса-
лаларига бағишланди.Тадбирда Адлия вазирлиги, Тошкент вилояти
Ҳўжалик суди, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
ва юридик таъминлаш бошқармасининг қонун
ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда
уларнинг лойиҳалари билан бевосита ишлайдиган
юридик хизматлар раҳбарлари ва ходимлари,
Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тош-
кент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ҳузуридаги
қўриқлаш бошқарма, бўлимлари юристконсульт-
лари ҳамда «Қўриқлаш» бирлашмаси Инсон
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъмин-
лаш бўлими ходимлари иштирок этди.Семинарда қўриқлаш хизмати органларида
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тай-
ёрлаш ва қабул қилиш, қонун ҳужжатларининг
туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, ҳўжалик
юритувчи субъектлар билан тузилаётган шарт-
номаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, бу
борада ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашма-
си юридик бўлими ҳамда бошқа идоралар
билан ҳамкорлик қилиш каби қатор йўналиш-
ларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этил-
ди, камчиликларни бартарф этиш чора-тад-
бирлари белгилаб олинди.Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihiiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farroh HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'IMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoa va vatanparvarlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonada nashr: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246

10247

nuxxada

bosildi.

O'za yakuni — 21.30

Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2013-7133

1 7 7 2 0 1 3 7 1 3 3 0 0 6

1 2 3 4